

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

» Ҳуқуқий тадқиқотлар
» Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
» Тарих саҳифаларидаги изланишлар
» Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
» Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
» Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
» Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
» Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
» Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
» Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
» Физика-математика фанлари ютуқлари
» Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
» Кимё фанлари ютуқлари
» Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
» Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
» Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

doi Crossref

№23
25 декабрь

conferences.uz

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
## 15-ҚИСМ

# МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 23-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
## ЧАСТЬ-15

# MATERIALS OF THE REPUBLICAN 23-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"
## PART-15

**ТОШКЕНТ-2020**

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 23-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 9 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУСИҚА ВА ҲАЁТ

**1. Махлиё Эргашева**
БАХШИЛАРНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИ ........................................................................ 7

# МУСИҚА ВА ҲАЁТ

## БАХШИЛАРНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИ

***Махлиё Эргашева,***
***Қарши ихтисослаштирилган***
***маданият мактаби ўқитувчиси***

**Аннотация:** Мақолада қадимий дўмбира сози ва бу чолғу асбобида чалинадиган куйлар келтирилган

**Калит сўзлар:** дўмбира, нағма, куй, бахши, терма, достон.

Ўзбек халқ достонлари асосан қадимий дўмбира чолғу асбобининг хилма-хил куйлари жўрлигида ижро этилган ва ҳамон шундай. Асрлар силсиласида дўмбира ҳамиша ҳамроҳ, илҳом париси бўлиб келган.

Дўмбирада парда белгиланмаган бўлса ҳам, бахшининг оҳангларни чуқур ҳис этиши, бармоқларининг сезгирлиги, ўта мусиқий қобилият туфайли истаганча куй яратишга имкон берибгина қолмай, замонавий чолғу-асбобларида ижро этиладиган куйларни чалиши ҳам мумкин. 1982 йил сентябрда Қозоғистоннинг Олма ота шаҳрида “Шарқ халқларининг эпос мусиқаси”га бағишланган Халқаро конгрес давом этаётган кунларнинг бирида ўзбекистонлик бир мусиқашунос Қодир бахшининг дўмбирасини олди-да у ёқ бу ёғини кўриб, торини сал қўзғаб “Дўмбира нима, диринг-дирингда”,-деди. Бу гап муқаддас деб билган созини камситиш, ҳамиша босиқ, оғир табиат бахшини ниҳоятда ғазаблантирди, мусиқачи қўлидаги дўмбирани тез олди-да,”Лазги” ва “Муножот” куйларини ижро этди.

Биз фольклоршунослар асосий эътиборни сўзга, матнни ёзиб олишга қаратганимиз сабаб ҳам достонлар ва термаларни тинглаш жараёнида ижодкорнинг созанда, бастакорлик маҳоратини ўзимизча мусиқий билим ва қобилиятларимиздан келиб чиқиб баҳолаб, имкон туғилганда дўмбира куйларининг номини қайд қилиб бора олдик холос. “Фольклор сафарномалари кундаликларини варақлар эканман”, дўмбира куйлари қуйидаги номларига кўзим тушади:1.Дўмбиранинг созми носоз куйи,2.Алам бахши куйи; 3.Шерна бахши куйи;4.Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим куйи. 5.Омонниёз жўги куйи; 6.Шеробод юзбоши куйи; 7.Хўжа бахши уйи; 8.Қодир бахши куйи; 9.Умир бахши куйи;10.Ҳайим бахши куйи;11.Мардонақул юзбоши куйи;12.Хушвақт бахши куйи;13.Қўлдош дўмбиракаш куйи.14.Сайхон дўмбиракаш куйи;15.Бекмурод дўмбиракаш куйи;16.Алихон дўмбиракаш куйи; 17.Уста Малик куйи.18.Қилич бобо куйи;19.Бўри бахши куйи; 20.Қорамурод куйи;21. Эгамберди бахши куйи; 22.Одина куйи;23.Холиёр бахши куйи; 24.Шоберди бахши куйи;25. Ҳимматой куйи;26.Келиной номаси;27.Келиннинг қўшиқ номаси;28.Иззатой куйи;29. Сарвиноз куйи;30.Келинойнинг юриш куйи; 31.Кун кўрмай кашта тикар куйи 32.Келинойнинг ўтовга кириш куйи; 33.Хонимой куйи;34.Улуғой куйи;35.Хафанома; 36.Лақай йиғлаш; 37.Золим айролиқ куйи;38.Оҳ-воҳ куйи;39.Оҳува куйи;40.Йиғи-йўқлов куйи;41. Вой-вой тўрам куйи; 42.Ошиқноласи;43.Қўй суғоришк куйи;44.Қўй қайтариш куйи; 45.Қўй ҳайдаш куйи; 46.От чопиш куйи;47.От ҳайдаш куйи; 48.Ҳала туям куйи;49.Кийикнома;50.Тўрғай ноласи куйи;51.Каклик сайраш куйи; 52.От таърифи; 53.Жангнома куйи: 54.Гўрўғлининг кетиш номаси;55.Аваз болаларининг ҳайдалиш куйи; 56.Авазнинг жангга кириш куйи; 57.Кўчани куйи;58. Айтишув куйи;59.Тўй нағмаси; 60.Ойпари;61.Дўмбирам куйи; 62.Лақайи куйи;63.Давра чертиш куйи;64. Чўпон чертиш куйи; 65.Бешқарсак куйи; 66.Дўмбира чертиш куйи;67.Қўш парда куйи; 68.Беш парда куйи: 69.Бир бармоқ куйи;70. Ғарибнома куйи;71.Келмади куйи; 72.Қаҳрамоннинг сафари (эпик қаҳрамон-А,Э) куйи; 73.Қўнғирот куйи;74.Қора қўнғирот куйи; 75.Қовадиён куйи; 76.Насиҳатнома: 77.Майда куйи;78.Сарбознома;79.Чол билан кампир сози куйи; 80.Ҳилила ёр куйи; 81.Лўли куйи; 82.Ҳардури куйи;83.Қайнари; 84.Буъма; 85. Бўта бўзлар; 86.Каклик овлаш.Дўмбира куй-

ларининг бундай номланиши узоқ йиллар давомида турли давра, суҳбатлар жараёнида ёши ва қобилияти ҳар хил бахшилар, дўмбиракашларнинг айтиши, маълумоти орқали жамланган. Айни вақтда уларнинг айримлари қайси бахши томонидан, қандай сабаб ва вазиятларга эгалиги тўғрисидаги ривоятларни ҳам жамлаб бордик. Бу жиҳатдан машҳур Шерна бахшининг “Сарвиноз”, Алим бахшининг “Созми-носоз”, Умир шоир Сафаровнинг “Золим айролиқ”, Қурбонпўлат бахшининг “Кун кўрмай кашта тикар”, Қодир бахшининг “Хонимой”, Ҳайим бахшининг “Лақай йиғлаш”, куйларини яратилиши ҳақидаги ривоятлар (аслида ҳақиқий воқеалар) бу куйларнинг яратилиш даври, жойи, сабаби ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.Дўмбира куйларини тахминан қуйидагича турларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Бахшилар яъни ижодкор номи билан аталган куйлар:Шерна куйи, Умир шоир куйи, Мардонақул юзбоши куйи, Қодир бахши куйи каби.

2. Эпик қаҳрамонлар (кўпроқ қизлар номидаги) куйлар. Келиной куйи, Гўрўғлининг кетиш нағмаси kabi

3. Ҳайвонлар, қушлар тури билан ижро этиладиган куйлар. Қўй суғориш номи Тўрғайномаси, От чопиш куйи, Кийикнома.

4. Уруғ, касб-кор билан юритиладиган куйлар. Қўнғироти, Замбири, Лақайи, Лўлинома, Лўли куйи.

5. Маросимлар билан боғлиқ куй номлари. Тўй нағмаси, Лақай йиғлаш, Хон, Йиғи йўқлов.

6. Руҳий ҳолат билан яратилган куйлар. Ғарибнома, Ошиқ Шерали, Хонимой, Ғарибнома.

Ҳар бир куй:1) Ижрочи, 2) ёзиб олувчи, 3) Мақомга қиёсланган ноталарни ким текширган, 4)тўплам ҳолида келтирилиши, 5) тури, 6) усул ўлчови, 7)ритмик ўлчови, 8)тонлик нотаси, 9) мақом ва ва товуш қатори схемасида таҳлил қилинган.

Достонда бахши 19 та дўмбира куйидан фойдаланган. Улардан олтитаси-“лақай жилаш-2”, “Ғарибнома-2”,”Қодирнома -2“,”Қодирнома 3”, ”Қодирнома -4”, “Қаҳҳорнома-2” янги бўлиб, бу куй номларига аввал дуч келмагандик. Демак, аввал қайд этилган 87 рақамига, Қаҳҳор бахшининг Туркияда ноталари билан чоп этилган “Алпомиш” ҳамда ”Темур ва Боязид ” достонларида илк бор қайд этилган 29 рақамини қўшсак, 116 та дўмбира куйи маълум бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кароматов Ф. Узбекская домбравая музыка. –Т. 1962
2. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. 1-китоб. –Т. 1999
3. Эргашев А. Қашқадарё-Сурхондарё достончилиги. –Т. 2008

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

**(15-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2020

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000